«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Норин туман 1-сон касб-ҳунар
мактаби директори
_______________ Д.Даминов
«___» _____________2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

# «НОРИН ТУМАН 1-СОН КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ»

Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудига видеокузатув камералари монтаж қилиш ишларини бажариш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Ҳаққулобод шаҳри -2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

# I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудига видеокузатув камералари монтаж қилиш ишларини бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – 30 000 000 **(Ўттиз миллион)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1**. "Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби"** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаққулобод шахри, Ўзбекистон кўчаси 183-уй

Эл.адрес: xayrull_uz@mail.ru

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "**Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби**" биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга видеокузатув камералари монтаж қилиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-Охирги бир йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан)

-Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (100 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Хизмат кўрсатувчининг тасарруфида ишларни бажариш учун керакли барча дастгоҳ ва жиҳозлар билан таъминланган бўлиши;

-Хизмат кўрсатувчининг ушбу сохада тажрибаси камида 5 йил ва охирги 3 йил мобайнида бажарган ишлари тўғрисида маълумот.

-Хизмат кўрсатувчининг Давлат активларини бошқариш агентлигидан банкрот эмаслиги тўғрисида маълумот.

-Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспексиясидан соликдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудига видеокузатув камералари монтаж қилиш ишларини бажариш учун

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби |
| 2 | Буюртмачи | Норин туман 1-сон касб-хунар мактаби |
| 3 | Буюртма учун асос | Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудига видеокузатув камералари монтаж қилиш ишларини бажариш зарурияти. |
| 4 | Объектнпнг жойлашган манзили | Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 183-уй |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудига видеокузатув камералари монтаж қилиш ишларини бажариш ишларини тез муддатда сифатли ҳамда кафолатли қилиб бажариш. (Ўрнатиладиган кузатув мосламалари кафолат муддати ичида техник ҳолатда яроқсиз ҳолга келган тақдирда, яроқлисига алмаштириб бериш) |
| 6 | Ўрнатиладиган камера ва бошқа жиҳозларнинг талаб этиладиган техник параметрлари | 1.Видеокузатув камераси 5 дона- 6 Мп IP видеокамера с ИК подсветкой; Объектив: f=2.8 мм (угол обзора 102°);<br>2.Видеокузатув камераси 1 дона-4 Мп IP видеокамера с ИК подсветкой; Объектив: f=2.8 мм (угол обзора 105°);<br>3.Монитор 32 дюйм 1 дона - Разрешение 1920x1080; цветность 16.7млн; яркость 360кд/м2; контрастность 5000:1; время отклика 9.5 мс; входы: 1 HDMI, 1 VGA, 1 DVI, 1 BNC, 1 USB, 1 аудио; выходы: 1 аудио, 2 динамика; AC100B-220B; 60Вт; размер 908.4 x516.9 x47.8 мм; VESA; пластик; без кронштейна; вес 8.5кг.<br>4.Жёсткий диск HDD 6 TB 1 дона.<br>5.Локаль тармоқ тортиш ишларини бажариш, ҳududдаги мавжуд камераларни ўрнини алмаштириб уларга техник хизмат кўрсатиш. |
| 7 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг, шартномада белгиланган нархлар ошмаган холда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан, бажарилган ишлар учун тахминан 30 000 000 (Ўттиз миллион) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган. |
| 8 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш. |
| 9 | Хизматларни бажариш муддати | Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун муддат ичида ишларни якунлаш. |
| 10 | Техника хавфсизлиги бўйнча талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин хавфсизлиги, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларнга тўла риоя қилиниши шарт. |
| 11 | Молиялаштириш манбаи | Норин туман 1-сон касб-ҳунар мактабининг бюджет маблағлари хисобидан. |

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси | Х.Холмирзаев |
| Комиссия аъзолари | Ш.Акбарова |
| Комиссия аъзолари | Н.Ташбаев |
| Комиссия аъзолари | И.Махмудов |
| Комиссия аъзолари | Н.Бурхонова |